// ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

25-26-сон
(213-214)
2006 й.
июнь

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*

223. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июндаги ЎРҚ–34-сон Қонуни

224. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 июндаги ЎРҚ–35-сон Қонуни

225. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 июндаги ЎРҚ–36-сон Қонуни

226. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июндаги ЎРҚ–37-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

227. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПФ–3764-сон Фармони

228. «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарори

229. «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ–382-сон қарори

230. «2006—2008 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ–386-сон қарори

231. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ–29-сонли қарорини қисман ўзгартириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 июндаги ПҚ–394-сон қарори

*Учинчи бўлим*

232. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 19 июндаги 118-сон қарори

233. «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 июндаги 120-сон қарори

234. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 июндаги 121-сон қарори

235. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 июндаги 122-сон қарори

236. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 июндаги 123-сон қарори [Кўчирма]

237. «Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғри-

сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори

238. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 июндаги 126-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

239. «Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 19 июндаги 95-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1584-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

240. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ−3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдоринин ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 117 ва 55-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1585-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

241. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 26-апрелдаги 29-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1111-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

242. «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 22 майдаги 151-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1256-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

243. «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 13 майдаги 11/9-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1586-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

244. «Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 22 майдаги 106-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1587-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 17 июндан 30 июнгача бўлган маълумот

Тузатиш

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 223 «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 9 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 10 июнда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Экспорт назорати тўғрисида»**ги 658–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқаришда компонентлар сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ядровий, кимёвий ва бактериологик (биологик) материалларни, шу жумладан ўта хавфли инфекцияларнинг патогенлари ва штаммларини олиб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан келишувга биноан амалга оширилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июнь,
ЎРҚ–34-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 21 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 224 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 4 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ягона солиқ тўлови тўловчилар ягона солиқ тўловини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ бир вақтнинг ўзида эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорга камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлашга ҳақлидирлар»;

2) **71-модда биринчи қисмининг 24-бандидаги** «Телерадио-компаниясининг» деган сўз «миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь,
ЎЗҚ–35-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 22 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 225 «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 19 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган 510—XII-сонли **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) **2-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган» деган сўзлардан кейин «касаначилик билан шуғулланаётган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар) **92-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«белгиланган тартибда касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун мазкур юридик шахс томонидан текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларнинг, фойдаланиш муддатига».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Белгиланган тартибда касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди».

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 22 июнда эълон қилинган.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь,
ЎРҚ–36-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 226 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда, 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **130-модданинг санкциясидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

2) **156-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 23 июнда эълон қилинган.

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, —

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;

б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;

в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;

г) масъул мансабдор шахс томонидан;

д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **159-модданинг биринчи қисми** «бундай мазмундаги материалларни» деган сўзлардан кейин «тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **$244^3$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$244^3$-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **345-моддасининг олтинчи қисми** «$244^2$»рақамидан кейин «$244^3$» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$184^2$** ва **$184^3$-моддалар** билан тўлдирилсин:

### «$184^2$-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, —

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### $184^3$-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, —

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) **189-модданинг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «$184^1$» рақамидан кейин «$184^2$, $184^3$» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг:**

**1-банди** «184» рақамидан кейин «$184^1$, $184^2$, $184^3$» рақамлари билан тўлдирилсин;

**2-банди** «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «$184^2$, $184^3$» рақамлари билан тўлдирилсин;

**6-банди** «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «$184^2$, $184^3$» рақамлари билан тўлдирилсин;

5) **288-модданинг учинчи қисми** «184» рақамидан кейин «$184^2$, $184^3$» рақамлари билан тўлдирилсин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь,
ЎРҚ–37-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 227 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Хорижий инвестор томонидан Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкининг улуши сотиб олиниши муносабати билан:

1. Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг уни Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш ҳақида» 1994 йил 18 мартдаги ПФ–794-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш ҳақида» 1994 йил 18 мартдаги ПФ–794-сон Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2001 йил 23 январдаги ПФ–2805-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь,
ПФ–3764-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 228 Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини

қондиришга, маданий, маънавий-аҳлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим макатаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

миллий маънавий-аҳлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

4. Қуйидагилар:

ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага* мувофиқ;

республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш:

бир ой муддатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага* мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг якунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илғор ахборот технологияларини тадбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида «ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналиши бўйича бакалавриат кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* 2—4-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июнь,
ПҚ–381-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 20 июндаги
ПҚ–381-сонли қарорига
1-ИЛОВА

## Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари тармоғи схемаси




Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг умумий сони — 1187

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 229 Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали бошқаришни таъминлаш ҳамда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг ижро этувчи тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг умумий ходимлари чекланган сони 52 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 44 нафар бўлган ижроия аппарата тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси бир ой муддатда Уюшманинг ижроия аппарати ходимлари штат сонини ушбу қарор билан тасдиқланган тузилмага мувофиқлаштирсин, уни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 30 майдаги ПҚ–359-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

а) 3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин»;

б) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июнь,
ПҚ–382-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 230 2006—2008 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида

Иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни тадбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбар-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

дош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан республика компаниялари, уюшмалари ва корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2006—2008 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури (кейинги ўринларда — Маҳаллийлаштириш дастури деб юритилади) маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2006—2008 йилларда саноат маҳсулоти асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасининг мақсадли параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, материаллар ва хомашё ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

спорт анжомлари ва ўқув ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ.

Маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия деб юритилади) таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг зиммасига лойиҳалар амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш ва Дастур параметрларини сўзсиз бажариш вазифалари юклансин.

2. 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар 2009 йилнинг 1 январигача:

четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

4-иловага киритилган корхоналар давлат бюджети, давлат мақсадли фондлари, шунингдек Ўзбекиситон Республикаси кафолати билан халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан бериладиган хорижий грантлар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши кўзда тутилган лойиҳалар бўйича тендер (танлов) савдоларининг ғолиблари сифатида аниқланган тақдирда уларга мазкур қарорда назарда тутилган имтиёзлар тадбиқ этилсин. Тендер (танлов) савдолари ғолиблари белгиланган тартибда маҳаллийлаштириш Дастурига киритилиш ҳуқуқига эга.

3. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган имтиёзлар бериш ҳисобига бўшайдиган маблағлар технология ускуналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳаллийлаштириш Дастурини амалга оширишга жалб этилган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган маҳаллий-

* 1—5-иловалар берилмайди.

лаштириш Дастури параметрларига ўзгартиришлар, шу жумладан Махсус комиссиянинг хулосалари асосида янги лойиҳаларни киритиш ва лойиҳаларни чиқариб ташлаш билан боғлиқ тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ой ахборот бериб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллийлаштириш Дастурида иштирок этаётган корхоналарга берилаётган имтиёзларни қўллаш тартиби, шунингдек мазкур корхоналарнинг Маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш доирасидаги мажбуриятларининг ижросини таъминлаш тартибини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарда жаҳон стандартларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини тадбиқ этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек корхона ходимларини стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимини тадбиқ этиш масалалари бўйича белгиланган тартибда ўқитишни ташкил этсин.

8. Маҳаллийлаштириш дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июндаги ПҚ–375-сонли қарори билан тасдиқланган, амалга оширилиши доимий мониторинг қилиб бориладиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли дастурлари Рўйхатига киритилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан маҳаллий хомашёни қайта ишлашга асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда замонавий технологияларни жалб этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни кенг ёритиш, жумладан хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни;

маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни маҳаллийлаштириш Дастурининг афзалликлари ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш маҳаллий хомашё негизида мақсадга мувофиқ бўлган тайёр ва бутловчи буюмлар рўйхати тўғрисида ахборот беришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 6-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь,
ПҚ–386-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 22 июндаги
ПҚ–386-сон қарорига
6-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 342-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган лойиҳалар рўйхатини аниқлаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 ноябрдаги 456-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 31 ва 58-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 5-модда) илованинг 17-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 447-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 30 декабрдаги 620-сон қарорининг 1—3-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 112-модда) ҳамда қарорга 3-илованинг 1-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони)» 2005 йил 15 августдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 45-модда) илованинг 5-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сонлар, 48-модда) илованинг 53-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим республика комиссиялари ва кенгашлари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 231 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ—29-сонли қарорини қисман ўзгартириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ—335-сонли қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ—29-сонли қарори 5-иловасининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 28 июнь,
ПҚ—394-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

### 232 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 17 мартдаги ПФ—3725-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 19 июнь,
118-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 19 июндаги 118-сон қарорига
ИЛОВА

### Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 21 июлдаги 364-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарорнинг 3-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«захирада бўлган ва илк бор фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари ва судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига тақдим этилаётган шахслар уч ойлик махсус курсларда ўқитиладилар»;

учинчи—саккизинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги «гувоҳнома» сўзи «ҳужжат» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Қарорга 2-иловада:

а) 2.1-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«захирада бўлган ва илк бор фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судьялари раислари ва судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига тақдим этилаётган шахсларни махсус курсларда ўқитиш»;

учинчи—еттинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8.2-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«захирада бўлган ва илк бор фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари ва судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига тақдим этилаётган шахслар уч ойлик махсус курсларда ўқитиладилар»;

учинчи—олтинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи—еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 233 Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2006 йил 9 июндаги ПФ−3761-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2006 йил 1 июлдан бошлаб бошланғич разряднинг ойига 10800 сўм миқдорида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи тариф ставкаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан икки иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш. Операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришаверади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар амалга оширилиши ҳақида шу операция бажарилиши лозим бўлган куннинг ўзида Департаментга ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш;

ўз ички назорат тизимини жорий этиш;

пул маблағлари ёки мажбурий назорат қилинадиган бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг ҳужжатли ҳисобини юритиш;

10. Операциялар тўғрисидаги ахборот электрон ҳужжат шаклида, ахборотни киритиш, фақат қайта ишлаш ва узатиш бўйича дастурли воситаларнинг автоматлаштирилган комплекси ёрдамида, ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини ва ахборот узатишнинг электрон тизимини (кейинги ўринларда ДВАК деб юритилади) қўллаган ҳолда, шаклга солинган хабар тарзида тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади (ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

11. Самарали ва нарх параметрлари бўйича рақобатбардошли ДВАКларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича қўлланмани ташкилотларга бериш Департамент томонидан таъминланади.

ДВАКдан фақат ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни тайёрлаш ва Департаментга тақдим этиш учун фойдаланилади.

12. Операция тўғрисидаги электрон ҳужжат тарзидаги ахборотни узатиш Департаментнинг ташкилот жойлашган жойдаги бўлинмасида (банклардан ташқари) алмаштириладиган магнитли ва бошқа манбаларда (дискеталарда, компакт-дискларда ва бошқа хотирада сақлаб қоладиган қурилмаларда), ахборот етказиб берувчи томонидан, етказиб бериш вақтида ҳужжатнинг махфийлиги бузилишини истисно қилувчи чора-тадбирларга риоя қилган ҳолда ёки махсус почта алоқаси воситасида амалга оширилади.

13. Операция тўғрисидаги ахборотни электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ахборот етказиб бериш вақтида ҳужжатнинг махфийлиги бузилишини истисно қилувчи чора-тадбирларга риоя қилган ҳолда қоғозда бевосита тақдим этилади ёки махсус почта алоқаси воситасида етказиб берилади.

14. Операция тўғрисидаги ахборот бевосита келтириб берилган ёки у белгиланган тартибда махсус почта алоқаси бўлинмасига топширилган сана ахборот тақдим этилган сана ҳисобланади.

15. Банклар томонидан бажариладиган операциялар тўғрисидаги ахборотни Департамент банкларнинг автоматлаштирилган тизимида очиладиган, рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилинган махсус электрон почта манзилидан олади.

16. Ташкилотнинг Департаментга операция тўғрисидаги ахборотни белгиланган шаклга мувофиқ бўлмаган ҳолда тақдим этишига йўл қўйилмайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси операция тўғрисидаги ахборотнинг тасдиқланган шаклига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

18. Департамент операция тўғрисидаги ахборотни жўнатувчини идентификация қилади ва ахборот мазмунининг айнанлигини (ўзгармаганлигини) назорат қилади.

19. Ташкилотлар томонидан операция тўғрисидаги ахборот бузилган тарзда ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, шунингдек унда электрон рақамли имзо (ташкилот муҳри, ваколатли шахслар имзолари) мавжуд бўлмаганда Департамент операция тўғрисидаги ахборот олинган куни, махфийликни таъминлаш чораларига риоя қилган ҳолда, аниқ камчиликларини кўрсатиб, уни қайтадан тақдим этиш тўғрисида сўровнома жўнатади.

20. Департаментнинг сўровномаси олинган тақдирда ташкилот сўровномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради ва унинг

олинган вақтидан бошлаб бир иш куни мобайнида Департаментга тузатилган ахборотни ушбу Низомда белгиланган тартибда жўнатади.

21. Ташкилот томонидан Департаментга мажбурий назорат қилинмайдиган операция тўғрисидаги ахборот нотўғри тақдим этилган тақдирда ташкилот ушбу Низомда белгиланган тартибда Департаментга ташкилотнинг раҳбари имзолаган ва муҳри билан тасдиқланган хат билан, нотўғри тақдим этилган ахборотни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида мурожаат қилади. Хатда операция тўғрисидаги ахборотни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш сабаблари, шунингдек операция тўғрисида нотўғри тақдим этилган ахборотни сўзсиз идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар (ахборотнинг тартиб рақами ва санаси, уни алоқанинг электрон канали бўйича ёки қоғозда тақдим этиш усули, шунингдек операциянинг у амалга оширилган валютадаги суммаси ва уни амалга ошириш санаси) кўрсатилган бўлиши керак.

## III. Департамент томонидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича қўшимча ахборот олиниши тартиби

22. Департамент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши масаласи бўйича текшириш тадбирларини амалга оширишга ҳақлидир.

23. Департамент қуйидаги ҳолларда ташкилотга қўшимча ахборотни ва тегишли операция бўйича ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш тўғрисида ёзма сўровнома жўнатишга ҳақлидир:

операция тўғрисида олинган ахборотнинг ишончлилигини текшириш зарурати бўлганда;

бундай операциянинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилаётган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида.

Департаментнинг ахборот ва ҳужжатлар тақдим этиш тўғрисидаги ёзма сўровномалари Департаментнинг расмий бланкаларида расмийлаштирилади ҳамда Департамент раҳбари ёки унинг ўринбосарлари, Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий органлари раҳбарлари (улар бўлмаганда уларнинг вазифасини бажараётган шахслар) томонидан имзоланади ва махсус почта алоқаси воситасида ташкилотларга жўнатилади.

24. Ташкилот Департаментга махсус топшириқ берилган почта алоқаси орқали тегишли ёзма сўровнома олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида сўралаётган ахборотни ва ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этади.

Департамент сўралаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳажмини, хусусиятини ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда уларни тақдим этишнинг бошқача муддатини белгилаши мумкин.

## IV. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ахборотни тўплаш, сақлаш ва тақдим этиш тартиби

25. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Департамент ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон ахборот базасини юритади.

26. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Департаментга ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар тўғрисида ўзларининг ихтиёрида мавжуд бўлган барча маълумотларни тақдим этадилар.

Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Департамент томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судидан тизимли асосда сўраб олинади.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлар электрон ҳужжат тарзида расмийлаштирилади ва Департаментга ана шундай ахборот олинган ёки аниқланган вақтдан бошлаб икки иш кунидан кечикмай махсус почта алоқаси орқали тақдим этилади.

27. Департамент ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар рўйхатини пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга ҳар ойнинг 15-кунидан кечикмай махсус почта алоқаси орқали тақдим этади.

28. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида Департамент ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар тўғрисида ахборот тақдим этади.

29. Ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган рўйхатни юритиш, сақлаш ва ундан фойдаланишда Департамент ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан махфийликни таъминлаш шартларига қатъий риоя қилиниши керак.

30. Ушбу Низомда кўрсатилган ахборотни сақлаш муддатлари ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

## V. Якуний қоидалар

31. Ушбу Низом талабалари бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан махсус ваколатли органнинг, ташкилотларнинг, шунингдек ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган органларнинг мансабдор шахслари белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 30 июндаги
126-сон қарорига
2-илова

**Пул маблағлари ёки бошқа мол- мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисида маълумотлар**

Хабар рақами (дастлабки узатиш вақтида ноль билан тўлдирилади)

Хабар санаси (рақамлар билан тўлдирилади) __ __ . __ __ . __ __ __ __ кун ой йил ҳужжат тури (1 - асосий, 2 - тузатилган, 3 - ўрнини босадиган)

**Пул маблағлари ёки бошқа мол- мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар**

Ташкилот турининг коди (1-иловага мувофиқ)

Ташкилотнинг тўлиқ фирма номи

МФО (фақат банклар томонидан кўрсатилади)

СТИР

**Ташкилотнинг почта манзили:**

Почта индекси

Вилоят

Туман

Аҳоли пункти (шаҳар, қишлоқ, шаҳарча ва бошқалар)

Кўча (шоҳ кўча, тор кўча, мавзе ва бошқалар)

Уй

Бино, иморат

Квартира (идора)

**Операциянинг тавсифи**

Операция турининг коди (2-иловага асосан)

Операция санаси (рақамлар билан тўлдирилади) __ __ . __ __ . __ __ __ __ кун ой йил

Операция валютаси номи

Операция суммаси уни ўтказиш валютасида

Операция суммаси сўм эквивалентида (минг сўм)

Операцияни амалга ошириш асоси

Операция мазмуни, тўлов мақсади (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг ўтказилиши йўналишини кўрсатган ҳолда)

қўшимча ахборотлар

**Операция иштирокчиси бўлган юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар**

Тўлиқ фирма номи

СТИР

ХХТУТ коди (фақат банклар томонидан тўлдирилади)

Давлат рўйхатидан ўтиш санаси __ __ . __ __ . __ __ __ __ кун ой йил

Рўйхатдан ўтказадиган орган

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО коди

Операция амалга ошириладиган банк ҳисобвараги

Юридик (жисмоний) шахснинг почта манзили:

Почта индекси

Вилоят

Туман

Аҳоли пункти (шаҳар, қишлоқ, шаҳарча ва бошқалар)

Кўча (шоҳ кўча, тор кўча, мавзе ва бошқалар)

Уй

Бино, иморат

Квартира (идора)

**Операция иштирокчиси бўлган юридик шахс номидан фаолият юритадиган шахс ёки операция иштирокчиси бўлган жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар**

Фамилияси

Исми

Отасининг исми

Лавозими

Туғилган санаси . . кун ой йил

Туғилган жойи

Паспорт (ёки бошқа ҳужжат) - паспорт - бошқа ҳужжат бошқа ҳужжатнинг номи

Паспорт серияси ва тартиб рақами №

Берилган санаси . . кун ой йил

Паспортни берган орган

Бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар

**Операция иштирокчиси бўлган юридик шахс (контрагент) тўғрисида маълумотлар**

Тўлиқ фирма номи

Операциялар амалга ошириладиган банк ҳисобварағи

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО коди

**Операция иштирокчиси бўлган юридик шахс (контрагент) номидан фаолият юритадиган шахс ёки операция иштирокчиси бўлган жисмоний шахс (контрагент) тўғрисида маълумотлар**

Фамилияси

Исми

Отасининг исми

Лавозими*

Туғилган санаси* . . кун ой йил

Туғилган жойи*

Паспорт (ёки бошқа ҳужжат)* - паспорт - бошқа ҳужжат бошқа ҳужжатнинг номи

Паспорт серияси ва тартиб рақами* №

Берилган санаси* . . кун ой йил

Паспортни берган орган*

Бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар*

Ташкилот масъул шахсининг имзоси

**М. Ў.**

(ахборот қоғозда тақдим этилганда) (ахборот қоғозда тақдим этилганда)

* Операция хусусияти бундай маълумотларни тақдим этишни назарда тутган ҳолларда тўлдирилади.

Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк
билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги
маълумотларга
1-ИЛОВА

## Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар турларининг кодлари

| Ташкилот номи | Ташкилот тури коди |
|---|---|
| **Банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари** | **100** |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки | 111 |
| Марказий банкнинг ҳудудий бўлинмалари | 112 |
| Акциядорлик-тижорат банклари | 121 |
| Акциядорлик-тижорат банкларининг филиаллари | 122 |
| Акциядорлик-тижорат банкларининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 123 |
| Хусусий банклар | 131 |
| Хусусий банкларнинг филиаллари | 132 |
| Хусусий банкларнинг бошқа алоҳида бўлинмалари | 133 |
| Хорижий сармоя иштирокидаги банклар | 141 |
| Хорижий сармоя иштирокидаги банкларнинг филиаллари | 142 |
| Хорижий банкларнинг ваколатхоналари | 151 |
| Кредит уюшмалари | 161 |
| Кредит уюшмаларининг филиаллари | 162 |
| Кредит уюшмаларининг ваколатхоналари | 163 |
| Бошқа кредит ташкилотлари | 171 |
| Бошқа кредит ташкилотларининг филиаллари | 172 |
| Бошқа кредит ташкилотларининг ваколатхоналари | 173 |
| **Инвестиция фондлари, депозитарийлар ва инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари** | **200** |
| Инвестиция фондлари | 211 |
| Инвестиция фондларининг филиаллари | 212 |
| Инвестиция фондларининг ваколатхоналари | 213 |
| Депозитарийлар | 221 |
| Депозитарийларнинг филиаллари | 222 |
| Депозитарийларнинг ваколатхоналари | 223 |
| Инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари | 231 |
| Инвестиция ташкилотлари бошқа турларининг филиаллари | 232 |
| Инвестиция ташкилотлари бошқа турларининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 233 |
| **Биржалар** | **300** |
| Товар-хом ашё биржалари | 311 |
| Товар-хом ашё биржаларининг филиаллари | 312 |
| Товар-хом ашё биржаларининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 313 |
| Фонд биржалари | 321 |
| Фонд биржаларининг филиаллари | 322 |
| Фонд биржаларининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 323 |
| Ўзбекистон республика валюта биржаси | 331 |
| Ўзбекистон республика валюта биржасининг филиаллари | 332 |
| Ўзбекистон республика валюта биржасининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 333 |

| Ташкилот номи | Ташкилот тури коди |
|---|---|
| Биржаларнинг бошқа турлари | 341 |
| Биржалар бошқа турларининг филиаллари | 342 |
| Биржалар бошқа турларининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 343 |
| **Суғурталовчилар** | **400** |
| Суғурталовчилар | 411 |
| Суғурталовчиларнинг филиаллари | 412 |
| Суғурталовчиларнинг бошқа алоҳида бўлинмалари | 413 |
| **Лизинг хизматлари ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар** | **500** |
| Лизинг хизматлари ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар | 511 |
| Лизинг хизматлари ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг филиаллари | 512 |
| Лизинг хизматлари ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг бошқа алоҳида бўлинмалари | 513 |
| **Почта алоқаси ташкилотлари** | **600** |
| Почта алоқаси провайдери | 611 |
| Почта алоқаси провайдерининг филиаллари | 612 |
| Почта алоқаси провайдерининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 613 |
| Почта алоқаси оператори | 621 |
| Почта алоқаси операторининг филиаллари | 622 |
| Почта алоқаси операторининг бошқа алоҳида бўлинмалари | 623 |
| Почта алоқасининг бошқа объектлари | 631 |
| **Ломбардлар** | **700** |
| Ломбардлар | 711 |
| Ломбардларнинг филиаллари | 712 |
| Ломбардларнинг ваколатхоналари | 721 |
| **Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи юридик шахслар** | **800** |
| Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар | 811 |
| Тотализаторлар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар | 812 |
| Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари заллари ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар | 813 |
| Таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар | 814 |
| **Нотариал идоралар (нотариуслар)** | **900** |
| Нотариал идоралар | 911 |
| Нотариуслар | 912 |

Изоҳ. Илова пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришда фойдаланилади ва махсус ваколатли органга тақдим этилмайди.

Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк
билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги
маълумотларга
2-ИЛОВА

## Мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операциялар турларининг кодлари

| Операция номи | Операция коди |
|---|---|
| Иккита ёки ундан ортиқ ҳисобварақлар очиш | 010 |
| Бир кунда ёки бир неча кун мобайнида одатдаги кўламга номувофиқ миқдорда операциялар бажариш | 011 |
| Пул маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақққа ўтказиш ва пул маблағларининг Ўзбекистон Республикасига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақдан келиб тушиши | 012 |
| Банк омонатларига пул маблағларини нақд ҳолда киритиш | 013 |
| Пул маблағларини нақд ҳолда ҳисобварақдан олиш, ҳисобварақдан ўчириш ёки ҳисобварақққа киритиш, агар бу юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг хусусияти тақозоси бўлмаса | 014 |
| Пул маблағларини жисмоний шахс тақдим қилувчига пул бериладиган ҳужжатлар бўйича олиши | 015 |
| Жисмоний шахс қимматли қоғозларни нақд пулга олиши | 016 |
| Жисмоний шахс юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) пул маблағларини нақд ҳолда киритиши | 017 |
| Учинчи шахслар фойдасига омонат (депозит) очиб, унга пул маблағларини нақд ҳолда жойлаштириш | 018 |
| Чет эл валютасини нақд пулга сотиб олиш ёки сотиш | 019 |
| Бир қимматдаги банкнотни бошқа қимматдаги банкнотга алмаштириш | 020 |
| Мол-мулкни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларда турган сейфларни ижарага олиш учун банк билан шартнома тузиш | 021 |
| Кредит (заём) бериш ёки олиш | 022 |
| Қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ёки бошқа қимматли нарсаларни ломбардга қўйиш | 023 |
| Суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлаш ёки суғурта мукофоти олиш | 024 |
| Лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйналганда ютуқ олиш | 025 |
| Пул маблағларини имтиёзли солиқ режими берадиган ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор этиш ва беришни назарда тутмайдиган давлатлар ва ҳудудларга (оффшор зоналарга) ўтказиш, шунингдек пул маблағларини кўрсатиб ўтилган давлатлар ва ҳудудлардан ўтказиш | 026 |
| Террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахснинг операциялари | 027 |
| Террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг операциялари | 028 |

| Операция номи | Операция коди |
|---|---|
| Террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахснинг операциялари | 029 |

Изоҳ. Илова пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришда фойдаланилади ва махсус ваколатли органга тақдим этилмайди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

# 239 Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1584-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 29 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори қарори билан тасдиқланган «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 8-бандига мувофиқ **буюраман:**

1. Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Сатторов):

мазкур буйруқни давлат рўйхатидан ўтказсин ва вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин;

ушбу буйруқни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши ва амалда қўлланилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиқлари:

давлат нотариал идораларни ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни гербли бланкалар билан бир йиллик эҳтиёжи миқдорида таъминласинлар;

давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан гербли бланкаларни ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши устидан доимий қаттиқ назорат олиб борсинлар;

жорий йилнинг июнь ойида мазкур Қоидаларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар билан семинар машғулотлари ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси босма фабрикасидан гербли бланкаларни қабул қилиши, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш (жўнатиш)га масъул этиб Ишлар бошқармасининг бошлиғи Н. Ширинов тайинлансин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.С. Каньязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири Б. МУСТАФАЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 19 июнь,
95-мҳ-сон

Адлия вазирининг
2006 йил 19 июндаги 95-мҳ-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш ҚОИДАЛАРИ

1. Гербли (махсус) бланклар қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳисобланади ва маълум серия, тартиб рақами, ҳудудий кодига эга бўлиб, уларнинг шакли Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва унинг буюртмасига кўра фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси босма фабрикасида (бундан буён матнда «Давлат белгиси» босма фабрикаси деб юритилади) муҳофазаланган қоғозларда тайёрланади.

Гербли бланкаларни «Давлат белгиси» босма фабрикасидан қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш (жўнатиш) Адлия вазирлигининг буйруғи билан тайинланган масъул ходим зиммасига юклатилади.

Гербли бланкаларни Адлия вазирлигидан қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда «адлия бошқармаси» деб юритилади) бошлиқларининг буйруғи билан тайинланган масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

2. Адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан уч киши (бошқарма бошлиғининг нотариал идораларга раҳбарлик қилувчи ўринбосари, бош ҳисобчи ва нотариат ишлари бўйича масъул ходим)дан иборат таркибда тузилган махсус комиссия гербли бланкларни қабул қилаётганида ўрамлар сонини, ўрам ёрлиғининг бутунлигини, агар бузилган бўлса ўрам ёрлиғида кўрсатилган бланклар рақамлари ва сони тўғрилигини, бланкалар сони юкхат билан тўғри келиш келмаслигини текшириши ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузиши зарур. Шунингдек, ушбу комиссия томонидан нотариал идораларда тўлдириш чоғида бузилган бланкалар далолатнома асосида қабул қилиб олинади ва 2 нусхада тузилган далолатнома бўйича ҳар йили бир марта ёқиш йўли билан йўқ қилинади. Мазкур далолатноманинг бир нусхаси йиллик ҳисобот билан Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

3. «Давлат белгиси» босма фабрикасидан қабул қилинган гербли бланклар Адлия

вазирлигида шу куниёқ зудлик билан сақланиши учун масъул шахс томонидан, юкхат асосида гербли бланкалар ҳисобини юритиш дафтарига уларнинг ҳисоби, бланканинг тури, серияси, рақами, ҳудудий коди, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади.

4. Адлия вазирлигидан қабул қилинган гербли бланклар адлия бошқармасида, шу куниёқ зудлик билан сақланиши учун масъул шахс томонидан юкхат асосида гербли бланкалар ҳисобини юритиш дафтарига уларнинг ҳисоби, бланканинг тури, серияси, рақами, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади (1-илова).

Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли бланкалар нотариал идораларида худди шу тарзда кирим қилинади (1-илова).

Худди шу тартибда гербли бланкаларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтари Адлия вазирлигининг Ишлар бошқармаси томонидан юритилади.

Ташқи ишлар вазирлиги консуллик муассасалари гербли бланкалар билан, эҳтиёжига қараб, Тошкент шаҳри учун тайёрлатилган сериядаги гербли бланкалар ҳисобидан таъминланади. Консуллик муассасалари томонидан гербли бланкалар бўйича ҳисобот Ташқи ишлар вазирлигига белгиланган тартибда топширилади.

5. Адлия бошқармасида гербли бланкаларни давлат нотариал идоралари ва хусусий нотариусларга тарқатиш дафтарлари юритилади. Улар рақамланиб, тикилиб, адлия бошқармасининг раҳбарияти томонидан имзоланиб, муҳрланади (2-илова).

6. Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар гербли бланкаларни сарфланиши юзасидан 15А, 15Б-шакллар асосида ҳар ойда ҳисобот юритадилар.

7. Адлия бошқармаси давлат нотариал идоралари ва хусусий нотариусларни гербли бланкалар билан бир йиллик эҳтиёжи миқдорида таъминлайди ва сарфланиши устидан ҳар ойлик 15А, 15Б-шакллар ҳисоботларини қабул қилишда сарфлаш дафтари билан таққослаб текшириб, назорат қилади.

8. Адлия бошқармасидан гербли бланкалар икки ёки ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларидан катта нотариусга, у вақтинча бўлмаганида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва ҳ. к.) тегишли буйруқ билан унинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган нотариусга, қолган давлат нотариал идораларида давлат нотариуси ва хусусий нотариусга гербли бланкаларни тарқатиш дафтарида уларнинг фамилияси ёзилиб, имзоси қўйдирилган ҳолда берилади.

9. Гербли бланкалар билан ишлашда ушбу Низомда белгиланган тартибга риоя қилиниши учун нотариуслар, икки ёки ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларидан катта нотариуслар ҳамда хусусий нотариуслар шахсан масъулдир.

10. Гербли бланкларнинг йўқолганлиги ёки ноқонуний сарфланганлиги ҳолатлари аниқланган ҳолда 24 соат ичида Адлия вазирлигига махсус хабар берилиши ва беш кун ичида хизмат текшируви ўтказилиши, зарур ҳолларда, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилиши лозим.

11. Адлия бошқармасида гербли бланкаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфи бўйича масъулият бошқарма бошлиғининг нотариал идораларига раҳбарлик қилувчи ўринбосарига юклатилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган масъул шахс узрли сабабларга кўра ишда вақтинча бўлмаганида (таътил, хизмат сафари, касаллик сабабли ва ҳ. к.), жавобгарлик тегишли буйруқ билан тайинланган шахсга юклатилади.

12. Давлат нотариуси ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фао-

лияти тўхтатилган ёки тугатилган тақдирда, ундаги гербли бланкалар далолатнома орқали Адлия бошқармасига топширилади.

13. Нотариал идоралари адлия бошқармасидан гербли бланкаларни қабул қилиб олаётганида, махсус комиссия аъзолари иштирокида ҳар бир бланка ўрами алоҳида очилган ҳолда текшириб кўрилади. Бланкаларнинг етишмаслиги ёки нуқсони борлари (ҳимоя катакларининг, босма матннинг йўқлиги ёки бузилганлиги, тартиб рақамларининг такрорийлиги ёхуд бошқа сериялар, худудий коди ёки тартиб рақамлари бўлган, қийшайган шрифтли, нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, серия ва тартиб рақамлари йўқ бўлган ёки ўрам ёрлиғига бошқача тарзда номувофиқ бўлган бланкалар) аниқланган тақдирда махсус комиссия томонидан уч нусхада далолатнома тузилади ва шу куниёқ Адлия вазирлигига факс орқали махсус хабар қилинади. Далолатноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари нуқсонли бланкалар чиққан ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор бланкалар ҳамда илова хат билан уч кун ичида Адлия вазирлигига жўнатилади. Бу ҳолда далолатноманинг иккинчи нусхаси Адлия вазирлигида қолдирилиб, биринчи нусхаси ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор бланкалар билан тегишли хат орқали «Давлат белгиси» босма фабрикасига жўнатилади. Далолатноманинг учинчи нусхаси ўрам ёрлиғи ксеронусхаси билан бевосита адлия бошқармасида қолдирилади.

14. Нотариал идораларда адлия бошқармасидан қабул қилиб олинган бланкаларни кирим қилиш дафтари рақамланиб тикилади ва адлия бошқармаси бошлиғи ёки унинг нотариал идораларга раҳбарлик қилувчи ўринбосари томонидан имзоланиб, муҳрланади.

Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли бланкалар нотариал идоралари томонидан шу куниёқ уларнинг ҳисоби ва сақланиши учун масъул шахс томонидан кирим қилиш дафтарига гербли бланканинг тури, серияси, рақами, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади (3-илова).

15. Нотариал идораларда гербли бланкаларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс алмашган ҳолларда гербли бланкаларни ва уларнинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш ишлари адлия бошқармаси бошлиғининг нотариал идораларга раҳбарлик қилувчи ўринбосари иштирокида амалга оширилади ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилади. Янги масъул ходимга гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш жавобгарлиги юклатилади.

16. Қатъий ҳисобдаги гербли бланкалар адлия бошқармасида махсус жиҳозланган, бегона шахслар кириши тақиқланган алоҳида хоналарда, нотариал идораларда пўлат сейфларда ёхуд махсус темир шкафларда сақланиши зарур.

Гербли бланкалар билан ишлаш ҳуқуқига, уларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфи учун масъул бўлган шахсларгина эгадир. Гербли бланкалар сақланаётган хонага кириш ва гербли бланкаларнинг сақланиш аҳволини кўриб чиқишга, улар учун масъул шахслардан ташқари, уларнинг иштирокида адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ҳақлидирлар.

17. Ишдан ташқари вақтларда гербли бланкалар сақланаётган темир шкафлар, сейфлар ва хоналар белгиланган тартибда муҳрланган бўлиши лозим.

18. Нотариал идоралари фаолияти Адлия вазирлиги ва адлия бошкармаси томонидан ўрганилганда гербли бланкаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши ҳолатлари албатта текширилади ва натижаси ҳақида алоҳида маълумотнома тузилади.

19. Нотариал идораларда гербли бланкаларни сарфлаш дафтарлари гербли бланкаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида юритилади (4-илова).

20. Нотариал идораларнинг гербли бланкалар сарфини ҳисобга олиш дафтарлари тикилиб, рақамланиб, адлия бошқармаси бошлиғи ёки унинг нотариал идораларга раҳбарлик қилувчи ўринбосари томонидан имзоланиб, санаси кўрсатилган ҳолда муҳрланиши шарт.

21. Ўтган йилнинг йиллик ҳисоботидан ортиб қолган гербли бланкалар сарфи сарфлаш дафтарида жорий йилнинг 1 январида 1-тартиб рақамидан бошлаб олиб борилади.

22. Қайта расмийлаштирилган ишончномалар учун берилган гербли бланкалар сарфлаш дафтарида умумий тартибда қайд этилади (4-илова).

23. Сарфлаш дафтарларига киритилган ҳар бир тузатиш шу варақнинг пастки қисмида тегишли тартибда изоҳланиб, муҳр билан тасдиқланиши зарур.

Гербли бланкаларни сарфлашда уларнинг рақамлари ёзилишида кетма-кетлик қоидасини бузиш, сарфлаш дафтаридаги ёзувларни ўчириш, бўяш, устидан қоғоз ёпиштириш қатъиян ман этилади.

Сарфлаш дафтарида ҳар ойда, чоракда сарфланган гувоҳномаларни орада очиқ қаторлар қолдириб ажратишга йўл қўйилмайди.

24. Нотариал идораларида тўлдириш вақтида бузилган гербли бланкалар тегишли далолатнома тузилиб, ҳар ойда гербли бланкалар ҳисоботи билан бирга адлия бошқармасига топширилади.

Адлия бошқармасининг гербли бланкалар учун масъул ходими иштирокида уларнинг серия, тартиб рақамлари қирқиб олиниб далолатноманинг 1-нусхасига илова қилингандан кейин, махсус комиссия иштирокида ёқиш йўли билан йўқ қилинади

25. Сарфланган ва қолдиқ гербли бланкалар тўғрисида ҳисоботлар тузилади ва нотариал идоралари ҳар ойда адлия бошқармасига, адлия бошқармаси эса ҳар чоракда Адлия вазирлигига топширади. Ҳисоботларнинг тўғрилиги учун бевосита нотариуслар, адлия бошқармасида бошқарма бошлиғининг нотариал идораларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари масъул бўлади.

Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
1-ИЛОВА

## Қабул қилинган гербли бланкаларни кирим қилиш дафтари

| Юкхат рақами ва санаси | Кирим қилинган сана | Бланка номи | Гувоҳнома серияси ва рақамлари | Сони | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| № 23 20.06.06 й | 22.06.2006 | Ишончнома | AI-№000001-TN AI-№020000-TN | 20000 | |
| № 23 20.06.06 й | 22.06.2006 | Шартнома | ASh-№000001-TN ASh-№030001-TN | 30000 | |

Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
2-ИЛОВА

## Гербли бланкаларни сарфлаш (тарқатиш) дафтари

| Нотариал идора номи | Сарф қилинган сана | Бланка номи | Бланка серияси ва рақамлари | Сони | Қабул қилган масъул шахснинг фамилияси ва имзоси |
|---|---|---|---|---|---|
| Юнусобод туман № 1 давлат нотариал идораси | 25.06.2006 | Ишончнома | AI-№000001-TN<br>AI-№000200-TN | 200 | |
| | 25.06.2006 | Шартнома | ASh-№000001-TN<br>ASh-№000300-TN | 300 | |
| Яккасарой туман № 1 давлат нотариал идораси | 25.06.2006 | Ишончнома | AI-№000201-TN<br>AI-№000700-TN | 500 | |
| | 25.06.2006 | Шартнома | ASh-№000301-TN<br>ASh-№001000-TN | 700 | |

Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
3-ИЛОВА

## Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли бланкаларни кирим қилиш дафтари

| Кирим қилинган сана | Бланка номи | Бланка серияси ва рақамлари | Сони | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 25.06.2006 | Ишончнома | AI-№000001-TN<br>AI-№000200-TN | 200 | |
| 25.06.2006 | Шартнома | ASh-№000001-TN<br>ASh-№000300-TN | 300 | |

Нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларига
4-ИЛОВА

**Гербли бланкаларни сарфлаш дафтари***

| т/р | Берилган сана | Бланка серияси ва рақами | Нотариал ҳаракат номи | Реестр рақами ва сана | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 01.07.2006 | AI-№ 000120 TN | Нексия русумли автомашинасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан ишончнома Расулов С.И. | № 1130 | |
| 2. | 02.07.2006 | AI-№ 000121 TN | Матиз автомашинасини бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома | № 340 12.01.2005 | Қайта расмийлаштирилди |

* Изоҳ: Сарфлаш дафтари гербли бланкаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида юритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 240 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ–3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1585-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 29 июндан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ–3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ–3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий

нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
117-сон

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
55-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 241 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июнда 1111-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 29 июндан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ги Қонунига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005йил 14 июндаги ПФ−3618-сонли «Бозорислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2-илова) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сонли буйруғи билан тасдикланган Ўзбекистон Республикаси бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1111 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 5-сон) иловага* асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кунданган бошлаб 10 кундан сўнг амалга киритилсин.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 26 апрель,
29-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 242 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1256-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 3 июлдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–331-сон қарори ижросини таъминлаш ва халқаро почта жўнатмаларида ҳужжатларни жўнатишни тартибга солиш, почта жўнатмаларини жўнатувчининг шахсини идентификациялаш, халқаро почта жўнатмаларида тақиқланган предмет (нарса)ларни жўнатишни назорат қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ–186-сон қарорининг 3-иловаси ҳамда O'zDst 1020:2002 «Почта конвертлари. Техник шартлар»ни бажариш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 3 июндаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 16 июлда 1256-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин (илова* қилинади).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 10 кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**
**Бош директор А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 май
151-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 243 Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1586-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 3 июлдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17 ва 50-моддалари ҳамда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 5, 6, 7 ва 10-моддаларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Марказий банкнинг 2002 йил 25 майдаги 14/23-сонли қарор ва у билан тасдиқланган «Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шгакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шакли тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги низом (2002 йил 21 июнь рўйхат рақами 1151) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 13 май,
11/9-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 13 майдаги 11/9-сонли қарори
билан
ТАСДИҚЛАНГАН

# Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартибини белгилайди.

## I. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар

1. Кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдори қуйидагича ўрнатилади:

50 минг АҚШ доллари эквивалентида — Тошкент шаҳрида тузилаётган кредит уюшмалари учун;

25 минг АҚШ доллари эквивалентида — бошқа аҳоли пунктларида тузилаётган кредит уюшмалари учун.

Устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти муассислар томонидан кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги матнда — Марказий банк) курси асосида белгиланади.

2. Устав фонди мазкур Низомда кредит уюшмаларига ўрнатилган миқдордан кам бўлган кредит уюшмалари ушбу Низом кучга кирган кунидан бошлаб бир йил давомида устав фондининг миқдорига қўйилган талабларни бажаришлари лозим.

3. Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан кредит уюшмасининг устав фондини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтигача устав фонди маблағларини тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси банкларида вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи очилади.

Вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи кредит уюшмасининг ваколатли вакили аризаси асосида очилади.

Пай бадаллари кредит уюшмаси аъзолари томонидан устав фондини шакллантириш учун кредит уюшмаси номига тижорат банкида очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига шахсан топширилади.

Марказий банкка кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлиқ ҳужжатлар тўплами тақдим этилгандан сўнг ва кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензия олгунга қадар, банкларда очилган вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига қўшимча пул маблағларини қўйиш ёки жамғарилган пул маблағларини қайтариб олишга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Кредит уюшмасини рўйхатга олиш рад этилган ҳолларда вақтинчалик жамғарма ҳисобварағидаги маблағлар муассисларга қайтарилади.

## II. Рўйхатга олиш учун йиғим

5. Кредит уюшмаси давлат рўйхатига олингани учун тўлов кунида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида йиғим ундирилади.

6. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун ҳужжатларни тақдим этишдан аввал кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш учун йиғим Марказий банк ҳисобварағига ўтказилади.

7. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳолда тўланган йиғим Марказий банк томонидан уч кун ичида муассисларга қайтарилиши керак.

## III. Ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

8. Муассислар томонидан кредит уюшмаси манфаатларини ва Марказий банкнинг давлат рўйхатидан ўтказишга ҳамда лицензия беришга доир талабларини бажаришга ваколатли шахсни тайинлайдилар. Мазкур шахснинг ваколатлари муассислар умумий йиғилишининг баёни билан белгиланади.

9. Ваколатли шахс муассислар умумий йиғилиши томонидан кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг 90 кундан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг ҳудудий бошқармасига қуйидагиларни тақдим этади:

жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмасининг устави;

кредит уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;

юридик шахслар — муассисларнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредит уюшмасининг устав фонди шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

10. Тақдим этилган бизнес-режа қуйидаги ҳолларда ишончли эмас деб ҳисобланади, агарда:

бизнес-режа истиқболини белгилашда ишлатилган маълумотларнинг нореал тахминларга асосланганлигида;

кредит уюшмаси фаолиятини ривожлантириш стратегияси ва асосий йўналишлари тўлиқ очиб кўрсатилмаган бўлса;

молиявий истиқболлар (тахминий бухгалтерия баланси, янги аъзоларни жалб этиш режаси, депозит маблағларини шакллантириш режаси) бузиб тузилган ҳамда кредит уюшмаси фаолиятининг мўлжалланган стратегиясига мос келмаса.

11. Ҳажми бир варақдан зиёд бўлган, тақдим этиладиган барча ҳужжатлар алоҳида йиғмажилд шаклида тикилган бўлиши лозим.

12. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини тўлиқлигини мазкур Низом талабларига мувофиқ уч кун муддатда ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш ва унга лицензия бериш масаласини кўриб чиқиш учун тақдим этади.

13. Давлат рўйхатига олиш билан бир вақтда кредит уюшмасига кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 1-сонли илова шаклига мувофиқ лицензия берилади.

14. Лицензия берилган вақтдан бошлаб олти ой муддат ичида кредит уюшмаси ўз фаолиятини амалга оширишга киришиши лозим.

15. Лицензия олингандан сўнг, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси ваколатли шахсни кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи, керакли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди.

16. Кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Марказий банк қуйидагиларни ўз ичига олувчи юридик йиғмажилдни расмийлаштиради:

жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмаси устави (устки қисмига Марказий банк ваколатли мансабдор шахсининг имзоси ва Марказий банк муҳри қўйилган ҳолда);

Кенгаш раиси имзолаган муассислар рўйхати ва улар томонидан тўланган пай бадаллари миқдори;

Марказий банк Бошқарувининг кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги қарори;

кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия;

кредит уюшмасини рўйхатга олиш тўғрисидаги карта (2-сонли илова).

17. Юридик йиғмажилд Марказий банк томонидан уч нусхада тайёрланади:

бир нусхаси кредит уюшмаси Кенгаш раисига имзо қўйдирилган ҳолда топширилади ва у юридик ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган махсус жойда сақланиши лозим;

бир нусхаси Марказий банкда сақланади;

бир нусхаси кредит уюшмаси жойлашган манзили бўйича Марказий банкнинг худудий бошқармасига юборилади.

## IV. Кредит уюшмаси аъзолик сертификати шакли ва уни бериш тартиби

18. Шахснинг кредит уюшмасига аъзо эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сертификати ҳисобланади (3-сонли иловага мувофиқ берилади). Сертификат кредит уюшмаси раҳбари томонидан имзоланади ва унинг имзоси кредит уюшмаси муҳри билан тасдиқланади.

Сертификатнинг иловаси кредит уюшмаси аъзоси томонидан киритилган пай бадали миқдорини белгилайди ҳамда сертификатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сертификатнинг иловаси бош бухгалтер имзоси ҳамда уюшма муҳри билан тасдиқланади.

Кредит уюшмаси аъзосининг — юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг — исми шарифи ўзгарганида, берилган сертификат бекор қилинади ва кредит уюшмасига аъзо бўлган санаси кўрсатилган ҳолда янги шаклдаги сертификат берилади.

19. Пай бадалларини тўлаганлик ва кредит уюшмасига аъзо бўлганлик сертификати кредит уюшмаси давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг берилади.

20. Янги тузилаётган кредит уюшмалари учун бадалларни тўланганлик тасдиғи бўлиб, вақтинчалик жамғарма ҳисобварағига пул ўтказилганлиги тўғрисидаги банк кўчирмаси ҳисобланади.

## V. Кредит уюшмаси Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

21. Кредит уюшмаси Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзгартиришлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

22. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар 3 нусхада тақдим этилади:

кредит уюшмаси Кенгаши раиси имзоси билан уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси;

кредит уюшмаси Кенгаш раиси томонидан имзоланган кредит уюшмаси уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни.

23. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни мазкур Низом ва қонунчилик талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

Ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 30 календарь куни ичида кўриб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик ва мазкур Низом талабларига жавоб бермаган ҳолда, хужжатлар кредит уюшмасига қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилади.

24. Марказий банкнинг Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси (кейинги матнда – Комиссия) томонидан кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, кредит уюшмаси устави устки қисмига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси Марказий банкда сақланадиган кредит уюшмасининг юридик йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси Комиссиянинг ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қилинган мажлис баённомасидан кўчирма билан бирга кредит уюшмаси жойлашган манзил бўйича Марказий банк ҳудудий бошқармасига ва кредит уюшмасига уларда сақланадиган юридик йиғмажилдига тикиб қўйиш учун юборилади.

25. Кредит уюшмаси уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Марказий банкда давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## VI. Кредит уюшмаси филиалини тузиш тартиби

26. Филиал уни тузган кредит уюшмаси томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номланиши «филиал» сўзи кўрсатилган ҳолда уни тузган кредит уюшмаси номи билан мос келиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган кредит уюшмаси филлиаллари юридик шахс ҳисобланмайдилар.

Кредит уюшмаси филиали қонунчиликка мувофиқ кредит уюшмаси Кенгаши қарорига биноан Марказий банкда ҳисобга олинган ҳолда тузилади (ёки тугатилади).

27. Филиал ўз фаолиятини кредит уюшмаси Кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги Низом ва кредит уюшмасига берилган лицензия асосида амалга оширади.

28. Кредит уюшмаси қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда филиал тузиши мумкин:

кредит уюшмасининг молиявий аҳволи қониқарли бўлиши;

кредит уюшмаси қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя этиши;

кредит уюшмаси кунлик жамлама бухгалтерия балансини тузиш учун керакли дастурий-техник воситаларга ҳамда малакали бухгалтерия ходимларига эга бўлиши;

филиал очаётган кредит уюшмаси рўйхатга олинган кундан бошлаб камида икки йил давомида ўз фаолиятини амалга оширган бўлиши;

Марказий банк талабларига жавоб берадиган тегишли хоналар ва ускуналар мавжудлиги.

29. Мазкур Низом мақсадлари учун кредит уюшмасининг молиявий ҳолати қуйидаги ҳолатларда қониқарли ҳисобланади:

кредит уюшмаси ўз фаолиятининг жорий йил натижаларига кўра соф фойда олиши;

муддати ўтган кредитларнинг суммаси охирги олти ой давомида кредит уюшмасининг кредит портфели ҳажмининг 10%дан юқори бўлмаслиги;

кредит уюшмасининг капитали устав фонди ва текинга олинган мулкларни чегиргандан сўнг охирги олти ой давомида кредит уюшмаси активларининг камида 10% ни ташкил этиши.

30. Кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тўплами тақдим этилади:

иқтисодий асослаб берилган ҳолда мазкур филиални тузиш тўғрисидаги ариза;

филиални тузиш тўғрисидаги кредит уюшмаси Кенгашининг қарори;

кредит уюшмаси томонидан бериладиган ваколатлар доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган филиал тўғрисида Низом;

филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумот.

31. Филиални тузиш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўплами Марказий банк томонидан 30 календарь куни ичида кўриб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ҳамда қонунчилик талабларига ва мазкур Низомнинг 28-бандига мувофиқ келса, шунингдек кредит уюшмаси томонидан барча зарур ташкилий-техник чора-тартиблар бажарилган ҳолда, Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясига кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш масаласи киритилади. Агар тақдим этилган ҳужжатлар тўплами ушбу Низом ва қонунчилик талабларига зид бўлса, ҳужжатлар тўплами сабаблар кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

Ҳужжатлар қайтадан тақдим этилганда, Филиал тўғрисидаги низом кредит уюшмаси Кенгаши томонидан қайтадан тасдиқланиши керак.

32. Кредит уюшмаси филиалини ҳисобга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда кейинчалик бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги аниқланган ҳолда ҳамда филиалнинг фаолияти натижасида кредит уюшмасининг молиявий холати оғирлашганда Марказий банк кредит уюшмасидан мазкур филиални тугатишни талаб қилиши мумкин.

33. Кредит уюшмасининг филиали жойлашган манзили бўйича қонунчиликда кўрсатилган тартибда банкда ҳисобварағини очади ва қонунчиликка ҳамда кредит уюшмасининг филиал тўғрисидаги Низомига мувофиқ ҳисоб-китоб ва касса хизматини олиб боради.

### VII. Лицензия йўқотиб қўйилганлиги учун дубликат бериш

34. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин. Лицензиат лицензия дубликати олиш учун лицензияловчи органга, юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда лицензия дубликати бериш тўғрисида ариза тақдим этади.

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва
уларга лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

### Кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун _______- сонли Лицензия

200__ й. «___» __________ Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 20____ йил «____» ___________даги _______-сонли қарорига мувофиқ ______________________________
(Кредит уюшмасининг тўлиқ номи)

______________________________________________________ кредит уюшмаси
(почта манзили ва бошқа реквизитлар)

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига асосан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

**Ушбу лицензия белгиланмаган муддат давомида амал қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу лицензия амал қилишини тўхтатиб қўйиши, тўхтатиши ёки Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Кредит уюшмалар тўғрисида»ги қонунларида кўзда тутилган ҳолларда уни бекор қилиши мумкин.

Кредит уюшмаси 20____ йил «____» ___________ да ______-рақам остида кредит уюшмаларини рўйхатга олиш Давлат китобига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари

_________________________ (М.Ў.) __________________
(исми шарифи) (имзо)

Серия АА № 000000.

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва
уларга лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

## Кредит уюшмасини рўйхатга олиш картаси

| | |
|---|---|
| Кредит уюшмасининг номи | |
| Почта манзили: | |
| Лицензия рақами ва берилган санаси | |
| Кредит уюшмаси Кенгаши раиси | |
| Телефон рақами | |
| Кредит уюшмасининг ижро этувчи орган раҳбари | |
| Телефон рақами | |
| Бош бухгалтер | |
| Телефон рақами | |

### Рўйхатга олиш санасига асосий кўрсаткичлар

| | |
|---|---|
| Устав фонди суммаси | |
| Аъзолар сони,<br>шулардан:<br>юридик шахслар<br>жисмоний шахслар | |

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
раиси ўринбосари ____________________й.

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва
уларга лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

## Кредит уюшмасига аъзолик тўғрисида
## __ - сонли СЕРТИФИКАТИ
## № ________________________

(аъзо тартиб рақами)

20___ й «___» __________. ________ шаҳри

Ушбу сертификат

___________________________________________________

(кредит уюшмасининг тўлиқ номи)

___________________________________________________

(почта манзили ва бошқа реквизитлар)

қуйидагиларни тасдиқлаш учун берилди

______________________________________________
(Ф.И.Ш, манзил, жисмоний шахслар учун паспорт маълумотлари ёки юридик шахснинг тўлиқ номи)
______________________________________________

юқорида кўрсатилган кредит уюшмасининг аъзоси деб ____________________
(кредит уюшмасига аъзо бўлган сана)

ҳисобланади.

Имзо: ______________________________
(кредит уюшмаси раҳбари)

Муҳр

Серия _____ №________

Кредит уюшмасига аъзолик тўғрисида
______– сонли Сертификатига
ИЛОВА

## ПАЙ БАДАЛИ МИҚДОРИ

| Пай бадали миқдорини киритган (ўзгартирган) сана | Пай бадали қолдиғи | Аъзо имзоси | Бош бухгалтер имзоси (муҳр) |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва
уларга лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## Бизнес-режани ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар

### I. Умумий маълумот

Кредит уюшмасининг фирма номини ва манзилини кўрсатиб ўтинг.

### II. Кредит уюшмасининг фаолияти тавсифи

Кредит уюшмасининг асосий фаолият йўналишини кўрсатинг.

Кредит уюшмасининг мўлжалланган хизматлар рўйхатини ва уларни амалга ошириш режасини кўрсатинг. Мўлжалланган хизматларни қисқача тавсифи ҳамда уларни омонатлар, кредитлар ва бошқа хизматлар бўйича таснифини такдим этинг.

Хизматларни амалга ошириш режасини тақдим этинг. Мўлжалланган хизматларни жорий этиш стратегиясини тавсифлаб беринг. Кредит уюшмаси аъзоларига хизматлар кўрсатишга доир мавжуд усулларини кўрсатинг (оммавий ахборот воситаларида рекламалар жойлаштириш, илмий семинарлар ва йиғилишлар ўтказиш йўли билан).

### III. Раҳбарият ва бошқариш

Кредит уюшмасининг муассислари раҳбарлари ва кенгаш аъзолари, ижро этувчи органи ҳақида маълумот келтиринг:

кредит уюшмасининг барча муассислари ва кенгаш аъзоларининг номлари ва манзиллари;

кредит уюшмасининг ижро этувчи органи аъзоларини ҳамда бош бухгалтер номлари ва манзиллари;

вакил шахснинг исми-шарифи ва манзили.

Кенгаш аъзолари, ижро этувчи орган, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг ташкилий таркиби ва мажбуриятларини тавсифлаб беринг.

### IV. Бозор таҳлили

Хизмат кўрсатилиши мўлжалланаётган бозорни таҳлил қилинг. Сизнинг ташкилотингиз хизмат кўрсатмоқчи бўлган бозорни иқтисодий жиҳатдан тавсифлаб беринг. Бозорда кутилаётган ўзгаришларни, бундай ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни ва уларнинг тузилаётган кредит уюшмасига таъсирини тавсифлаб беринг. Таҳлил охирги иқтисодий маълумотлардан фойдаланишга асосланган бўлиши шарт.

Кўзда тутилаётган хизмат кўрсатиш бозоридаги рақобатни таҳлил қилиб чиқинг. Сиз хизмат кўрсатмоқчи бўлган бозор сегменти (бўғими)даги рақобатчиларни, мазкур бозорга таъсир ўтказа оладиган ташқи рақобатчиларни, шунингдек, бошқа потенциал рақобатни санаб ўтинг. Уларнинг бозор стратегияси таҳлили ҳамда ўзингизнинг ўзлаштиришингизни ва тузилаётган кредит уюшмасига кутилаётган таъсирини тавсифлаб беринг.

### V. Мақсад ва режалар

Бозор тахлилида, янги кредит уюшмасини мақсад ва прогнозларни ўрнатилишида фойдаланилган асосий прогноз тахминларини тушунтиринг ва тақдим этинг. Энг камида қуйидаги маълумотларни киритинг:

Бозор ўсиши, фоиз ставкалари, ресурслар қиймати, рақобат;

Актив ва мажбуриятлар таркиби. Молиявий прогноз ҳисоботлар актив ва мажбуриятлар таркибини, асосий воситаларга бўлган инвестицияларни ҳамда ходимга берилган компенсация (тўлов)ларни кўрсатишлари лозим. Улар бозор таҳлили ва стратегияларда акс эттирилган тахминларга асосланиши шарт.

### VI. Капитализация

Танлаб олинган стратегия ва режалаштирилган ҳаражатларга, ташқи шароитга кўпроқ мувофиқ келувчи, тахмин қилинаётган капитал таркибини тақдим этинг.

Капиталнинг ўсиш режасини ва биринчи уч йилда молиявий ўсиш фаолиятини тасвирлаб беринг.

### VII. Кредит уюшмасини тузишга манфаатдор бўлган шахслар гуруҳларини ўрганиш

Ҳар бир потенциал кредит уюшмаси маҳаллий аҳолининг кредит уюшмаси фаолиятига бўлган қизиқишларини, шунингдек, кредит уюшмасининг потенциал аъзоларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказади. Тадқиқотлар натижалари тахминий бўлиб, ёзма равишда расмийлаштирилади.

Алоҳида ҳолларда кредит уюшмасининг потенциал ҳомийларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 244 Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1587-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 3 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ—308-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.
3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Оллаберганов зиммасига юклансин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 май,
106-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2006 йил 22 майдаги 106-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–308-сон қарорига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартибини ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талабларни белгилайди.

### I. Умумуий қоидалар

Мазкур Низом талаблари мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқ этилади.

Наслчилик субъектига наслчилик хўжалиги мақомини бериш Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда мазкур Низомга мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

### II. Асосий тушунчалар

Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бонитировка** — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш;

**идентификация** — ҳайвоннинг келиб чиқишини аниқлаш имконини берадиган тамғаланган ёки бирор йўсинда қўйилган белги;

**наслчилик** — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, наслли маҳсулот етиштириш ва ундан фойдаланиш;

**наслдор ҳайвон** — келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

**наслли маҳсулот** (материал) — наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва эмбирионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

**наслчилик объектлари** — наслдор ҳайвонлар — қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг наслли маҳсулотлари ҳисобланади;

**наслчилик субъектлари** — наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар — наслли маҳсулот эгалари ҳисобланади;

**талабгор субъект** — наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун ариза билан мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахс.

## III. Комиссия таркиби ва комиссия мажлисларини ўтказиш тартиби

1. Наслчилик субъектига наслчилик хўжалиги мақомини бериш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири буйруғи асосида тузиладиган доимий аттестацион комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) хулосасига мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

2. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширади.

3. Комиссия таркиби 9 кишидан иборат таркибда тузилиб, унинг таркибига вазирлик ва унинг тизимида чорвачилик билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари киритилади.

4. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи (лавозимига кўра) комиссия раиси ҳисобланади.

5. Комиссия ишини Раис ташкил қилади, комиссия иш тартибини тасдиқлайди ва мажлис ўтказиладиган санани белгилайди.

6. Комиссия раиси комиссия мажлисини олиб боради, далолатнома ва комиссиянинг бошқа ҳужжатларини имзолайди. Раис вақтинча ўз ўрнида бўлмаган ҳолларда комиссия аъзоларидан бири комиссия раиси вазифасини бажариб турувчи этиб тайинланади.

7. Комиссиянинг барча ҳужжатлари комиссия аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясининг худудий наслчилик инспекциялари комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

9. Комиссия раиси ишчи орган ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

## IV. Наслчилик хўжалиги мақомини бериш тартиби

10. Наслчилик хўжалиги мақомини беришда комиссия талабгор субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти хамда наслли маҳсулотнинг сон ва сифат кўрсаткичларини мазкур Низомнинг 1—23-иловаларида белгиланган энг кам талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини таҳлил қилади.

11. Талабгор субъект наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун худудий наслчилик инсцекцияларига тегишли иловаларни тўлдириб, комиссия раиси номига ёзилган ариза билан мурожаат қилади.

12. Худудий наслчилик инспекциялари бир хафталик муддатда ариза билан мурожаат қилган талабгорнинг ҳужжатлари ҳамда жойлардаги холатини кўриб чиқиб, талабга жавоб берадиган талабгорнинг ҳужжатларини уч кунлик муддатда комиссияга тақдим қилади.

Мазкур Низомда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган хужжатлари рад этилган талабгорга уч кун ичида асослантирилган ёзма жавоб берилади.

13. Аризаси рад этилган талабгор жойлардаги наслчилик инспекциялари томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этган тақдирда, белгиланган тартибда қайта мурожаат этиши мумкин.

14. Комиссия аттестация давомида талабгор субъектнинг қуйидаги умумий аҳволни ўрганиб чиқади ҳамда таҳлил қилади:

наслчилик ҳисоб-китоби ва хужжатларини юритилишини;

ҳайвонларнинг келиб чиқиши генетик экспертиза қилинганлигини;

ҳайвонларни ўз маҳсулдорлиги ва авлодининг сифати бўйича баҳоланишини;

бонитировка тадбирининг мунтазам ўтказиб боришини;

уруғ олишда фақат такрор кўпайтиришга рухсат этилган наслдор эркак ҳайвонлардан фойдаланишини;

уруғ ва эмбирионларни технологик ва ветеринария-санитария талаблари шароитида тайёрлашини;

наслдор ҳайвонларни идентификациялаш ва сақлашини;

наслли маҳсулот сифатини кафолатлашини, сунъий уруғлантириш ишларини режалаштирилган зот бўйича олиб борилишини.

15. Комиссия мазкур Низомда белгиланган энг кам талабларга мос келиши ёки мос келмаслиги ҳақидаги далолатнома тузади (24-илова).

16. Комиссия далолатномасига асосан талабгор субъектга Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан наслчилик хўжалиги мақоми берилади.

17. Наслчилик хўжалиги мақомини олган субъектлар Наслчилик хўжаликлари ва подаларини рўйхатга олиш давлат реестрига (кейинги ўринларда — реестр) киритилади.

18. Реестрга киритилган наслчилик субъектларига наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади (25-илова).

19. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома беш йил муддатга берилади.

20. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома муддати тугагандан сўнг наслчилик субъекти қайта аттестациядан ўтказилади.

Қайта аттестация мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади ва белгиланган тартибда гувохнома берилади.

21. Қайта аттестациядан ўтказилувчи наслчилик субъекти ариза билан бирга наслдор ҳайвонларнинг асосий сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги беш йиллик маълумотларни хам тақдим этадилар.

22. Комиссия томонидан қайта аттестация ўтказилаётганда наслчилик объектида юқумсиз касалликлар қайд этилса, наслчилик субъектини карантин тугагунга қадар наслли моллар сотиш ҳуқуқисиз ушбу тоифада қолдиради.

## V. Наслчилик хўжаликлари фаолиятига қўйиладиган талаблар

23. Ўбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисидаги» Қонунига мувофиқ, наслчилик субъектларига қуйидаги талаблар қўйилади:

наслчилик субъекти урчитилаётган ҳайвонларнинг наслчилик-ҳисоб китоблари ва хужжатларини юритилишини таъминлаши;

наслчилик ресурслари яхшиланиши, сақланиши, такрор кўпайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланишини таъминлаши;

ҳайвонлар маҳсулдорлиги бўйича ҳисоб-китобини юритиш, ҳайвонлар типини таснифлаш, келиб чиқишини генетик экспертиза қилиш ва уларни ўз маҳсулдорлиги ҳамда авлодининг сифати бўйича баҳолаш талабларини бажариши;

наслчилик субъектини ҳар беш йилда аттестациядан ўтказиш, наслдор эркак ҳайвонларни апробация қилиш ва такрор кўпайтириш мақсадида улардан фойдаланишга рухсатнома олиш учун хужжатларни Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясига тақдим этишлари;

наслчилик субъектлари уруғ олиш учун фақат такрор кўпайтиришга рухсат этилган наслдор эркак ҳайвонлардан фойдаланишлари, уруғ ва эмбрионларни технологик ва ветеринария-санитария талабномаларида белгиланган шарт-шароитда тайёрлашлари, идентификация қилиши ва сақлашлари;

наслчилик субъекти наслли маҳсулотнинг (материалнинг) сифатини кафолатлашлари;

наслчилик субъекти истиқболли селекция-наслчилик иши режаси асосида сунъий уруғлантириш ишларини йўлга қўйган бўлиши керак.

24. Наслчилик субъекти сотиладиган ҳар бир бош наслли маҳсулотининг сифатини кафолатловчи хужжат тўлдириши шарт.

## VI. Наслчилик хўжалиги мақомини бекор бўлиш тартиби

25. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси барча тоифадаги наслчилик хўжаликларида наслчилик ишларини юритилишини назорат қилади.

26. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишларини назорат қилиш жараёнида, уларга қўйилган талаблар, наслчилик қоида ва нормалари бузилганлиги ёки наслчилик субъектида сурункали юқумли касалликлар аниқлаган тақдирда, ишчи орган бу ҳақда комиссияга аниқланган ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма ҳулоса беради.

27. Комиссия наслчилик хўжалигидаги камчиликларни ўрганиб чиқиб, аниқланган ҳолатларни асосли деб топган тақдирда, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясига наслчилик хўжалиги мақомини бекор қилиш бўйича далолатнома тақдим этади.

28. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи далолатнома асосида буйруқ чиқаради. Ушбу буйруқ наслчилик хўжалигини реестрдан чиқаришга ҳамда наслчилик мақоми берилганлиги ҳақида гувоҳномани бекор қилишга асос бўлади.

29. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

## VII. Якуний қоидалар

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июнь

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш
тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйилади-
ган талаблар тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Сут-гўшт, гўшт-сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликлари фаолиятига наслчилик мақомини беришда қўйиладиган талаблар

| КЎРСАТКИЧЛАР | Ўлчов бирлиги | Энг кам талаб |
|---|---|---|
| Сигирлар | бош | 30 |
| Соф зотли ва IV бўғин дуругай сигирларнинг подадаги салмоғи | % | 100 |
| Подадаги сигирларнинг синфлар бўйича таркиби | % | |
| Элита рекорд ва элита | | 60 |
| I синф | | 40 |
| Сигирлар сут маҳсулдорлиги: | | |
| қора-ола зотлар | кг | 3100 |
| қизил зотлар | кг | 2700 |
| қўнғир зотлар | кг | 2800 |
| бушуев зоти | кг | 2600 |
| Сигирларнинг 3 ва етук ёшдаги сут бериш даврида сут ёғи миқдори (зот андоза ва 1 синф талабига нисбатан) | % | 100 |
| Ҳар 100 бош сигирдан бузоқ олиш | бош | 85 |
| Сотилган ёш наслли молларни синфи: | % | |
| Буқачалар | | |
| Элита-рекорд ва элита | | 100 |
| таналар | | 80 |
| лита-рекорд ва элита | | |
| 1 синф | | 20 |
| Маҳсулдорлиги 6000 кг ва ундан юқори бўлган сигирлар салмоғи | % | 10 |
| Маҳсулдорлиги 6000 кг ва ундан юқори бўлган сигирлар салмоғи | % | 5 |

Изоҳ: Пода таркибида сигирлар 100 ва ундан кўп бўлганда соф зотли ва 4-бўғин дурагай сигирларнинг салмоғи 60 фоизни ташкил этганда ҳам наслчилик тоифасига ўтказишга рухсат этилади.

Наслдор буқачалар тайёрлаб сотишда онасининг сут маҳсулдориги:
қора-ола зотларда — 10000 кг, қизил зотларда — 9000 кг, қўнғир зотларда — 8000 кг, бушуев зотида — 7000 килограммдан кам бўлмаганда рухсат этилади.

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш
тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Сут-гўшт, гўшт-сут йўналишига ихтсослашган хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари**

зоти ________________

| КЎРСАТКИЧЛАР | Охирги беш йилда | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 200 | 200 | 200 | 200 | 200 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

Жами қорамоллар, бош
Ш.ж. сигирлар
Соф зотли ва IV бўғин дуругай, бош
Сигирларни ўртача тирик вазни, кг
1-туғишдаги
3-туғиш ва ундан юқори
Сигирларни ўртача сут маҳсулдорлиги, кг
йиллик ҳисобот бўйича
бонитировка бўйича
Ёғ чиқими:
1-сут бериш даврида, кг
зот андоза талабига нисбатан, %
III-сут бериш даври ва ундан юқори, кг
зот андоза талабига нисбатан, %
Сут маҳсулдорлиги 6000 кг ва ундан
юқори бўлган сигирлар, бош
Сут маҳсулдорлиги 7000 кг ва ундан
юқори бўлган сигирлар, бош
Сут маҳсулдорлиги 8000 кг ва ундан
юқори бўлган сигирлар, бош
Сигирларни бонитировка натижалари
буйича тақсимланиши, бош
Ш.ж., элита-рекорд ва элита, бош
%
1 синф
ДНҲКга ёзилган сигирлар, бош
18-ойлик таналарнинг тирик вазни, кг
Таналарни 1-қочиришдаги ёши, ой
ва 18-ойгача ўртача кунлик ўсиши, г
Наслли буқачаларнинг 12-ойгача
ўртача кунлик ўсиши, г
Сунъий уруғлантириш кўлами,%
сигирларни
таналарни
Авлодининг сифати бўйича баҳоланган
наслли буқа уруғи билан уруғлантирилган

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| сигир ва таналар,бош | | | | | |
| «яхшиловчи»лар билан, бош | | | | | |
| Ҳар 100 сигирдан бузоқ олиш, бош | | | | | |
| Ш.ж. буқачалар, бош | | | | | |
| Сотилган ёш наслли моллар, бош | | | | | |
| Ш.ж. Элита-рекорд ва элита | | | | | |
| Таналар: | | | | | |
| Элита-рекорд ва элита | | | | | |
| 1-синф | | | | | |
| Озуқа таъминоти (1 шартли.молга) ц.о.б. | | | | | |
| Озуқа сарфи:1 ц сут ишлаб чиқаришга | | | | | |
| Ш.ж. омухта емлар | | | | | |
| Ёш молларни 1 ц ўсишига | | | | | |
| фойда (Қ), зарар (-) минг сўм | | | | | |
| Сут сотишдан, минг сўм | | | | | |
| Ёш наслли молларни сотишдан | | | | | |
| Сутбоп қорамолчиликнинг | | | | | |
| Самарадорлиги, % | | | | | |
| Хўжаликнинг ветеринария-санитария ҳолати | | | | | |
| (туман ветеринария хизмати маълумотномаси) | | | | | |

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

## Гўшт йўналишидаги қорамолчилик хўжаликлари фаолиятига наслчилик хўжалиги мақомини беришда қўйиладиган энг кам талаблар

| КЎРСАТКИЧЛАР | Ўлчов бирлиги | Энг кам талаб |
|---|---|---|
| Сигирлар сони | бош | 30 |
| Соф зотли ва IV бўғин моллар салмоғи | % | |
| наслли буқалар | | 100 |
| сигирлар | | 100 |
| Бонитировка натижалари бўйича: | | |
| Элита-рекорд ва элита синфли моллар | % | |
| наслли буқалар | | 100 |
| сигирлар | | 50 |
| Тирик вазни бўйича: | | |
| Элита-рекорд ва элита синфли | | |
| ёш қорамоллар сони | % | |
| Буқачалар: 8 ойлигида | | 40 |
| 15 ойлигида | | 40 |
| таналар: 8 ойлигида | | 40 |

| | | |
|---|---|---|
| 15 ойлигида | | 40 |
| Ҳар 100 бош сигирдан бузоқ олиш, | бош | 85 |
| Сотилган ёш моллар синфи | % | |
| Элита-рекорд ва элита | | |
| Буқачалар | | 95 |
| Таналар | | 50 |

Изоҳ: Пода таркибида сигирлар 100 ва ундан кўп бўлганда соф зотли ва 4-бўғин дурагай сигирларнинг салмоғи 60 фоизни ташкил этганда ҳам наслчилик тоифасига ўтказишга рухсат этилади.

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш
тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Гўшт йўналишига ихтсослашган хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари**

| КЎРСАТКИЧЛАР | Охирги 5 йилда | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 200 | 200 | 200 | 200 | 200 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

СИГИРЛАР

Йил бошидаги жами, бош
Шундан: соф зотли ва IV-бўғин:
подадаги салмоғи,%
III-бўғин
II-бўғин
Сигирларни ўртача тирик вазни,кг
Ш. Ж. 1-туғишдаги
2-туғишдаги
3-туғишдаги
Сигирларни баҳолаш натижалари бўйича синфларга тақсимланиши,бош
Ш.Ж. элита-рекорд ва элита:
подадаги салмоғи,%
1-синф
2-синф
Сигирларни сут маҳсулдорлиги бўйича (8 ойлик бузоқнинг тирик вазни),кг
Ҳар 100 бош сигирдан бузоқ олиш,бош
Ғунажинларни подага киритиш,%
Сунъий уруғлантириш кўлами,%
сигирлар
таналар

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| НАСЛЛИ БУҚАЛАР | | | | | |
| Йил бошидаги сони, бош | | | | | |
| Ш.ж. соф зотли ва IV-бўғин дуругайлар | | | | | |
| Баҳолаш натижалари бўйича синфларга тақсимланиши,бош | | | | | |
| Элита-рекорд | | | | | |
| Элита | | | | | |
| Авлодининг сифати бўйича баҳолан ганлари, жами бош | | | | | |
| Шундан: яхшиловчи | | | | | |
| бетараф | | | | | |
| ёмонлаштирувчи | | | | | |
| Ўз маҳсулдорлиги бўйича баҳоланган, бош | | | | | |
| Ш.ж. 100 ва ундан кўп индекси билан баҳоланган | | | | | |
| Синов даврида ўртача кунлик ўсиши, г | | | | | |
| Наслли буқалардан фойдаланиш, бош | | | | | |
| Шундан: Сунъий қочиришда | | | | | |
| қўлда қочиришда | | | | | |
| эркин қочиришда | | | | | |
| Жами қочирилган моллар, бош | | | | | |
| Ш.ж. индекси 100 ва ундан юқори бўлган яхшиловчи буқалар билан | | | | | |
| Жами қочирилиши керак бўлган урғочи моллардан қочирилгани, % | | | | | |
| Жами олинган бузоқ, бош | | | | | |
| Ш.ж. индекси 100 ва ундан кўп яхшиловчи буқалардан, бош | | | | | |
| Бир наслли буқага тўғри келган урғочи моллар сони,бош | | | | | |
| сунъий қочиришда | | | | | |
| қўлда қочиришда | | | | | |
| эркин қочиришда | | | | | |
| Наслли буқадан ўртача фойдаланиш муддати, йил, ой | | | | | |
| Ёш қорамоллар ривожланиши: | | | | | |
| ш.ж. 8 ойлик буқачалар, бош | | | | | |
| элита-рекорд ва элита синфли, % | | | | | |
| 15 ойлик буқачалар,бош | | | | | |
| элита-рекорд ва элита синфли, % | | | | | |
| 18 ойлик буқачалар,бош | | | | | |
| элита-рекорд ва элита синфли, % | | | | | |
| 8 ойлик таналар,бош | | | | | |
| элита-рекорд ва элита синфли, % | | | | | |
| 15 ойлик таналар,бош | | | | | |
| элита-рекорд ва элита синфли, % | | | | | |
| ш.ж. 18 ойлик таналар, бош | | | | | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| элита-рекорд ва элита синфли,% | | | | | |
| Таналарни биринчи қочириш ёшидаги тирик вазни, кг | | | | | |
| Буқачалар,бош | | | | | |
| Элита рекорд | | | | | |
| Элита | | | | | |
| 1-класс | | | | | |
| Озуқа билан таъминланганлиги (1 бош сигирга сарфланган), ц. о. б. | | | | | |
| Ёш молларнинг 1 ц. тирик вазнини ўсишига сарфланган, о. б. | | | | | |
| ш.ж. омухта ем | | | | | |
| фойда (), зарар (-),минг сўм | | | | | |
| шундан наслли ёш мол сотишдан | | | | | |
| Гўштбоп қорамолчиликни самарадорлиги, % | | | | | |
| Хўжаликнинг ветеринария-санитария ҳолати (туман ветеринария хизмати маълумотномаси) | | | | | |

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш
тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйилади-
ган талаблар тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

## Қўйчилик ва эчкичилик хўжаликларига наслчилик хўжалиги мақомини беришда қўйиладиган талаблар

Дағал ва ярим дағал жунли қўй зотларининг жунига қўйилган энг кам талаблар, кг

| Қўй зоти | НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Наслли қўчқор | Совлиқлар | Қўчқорчалар | Урғочи қўзилар |
| Хисори | 3,0 | 1,8 | 1,5 | 1,2 |
| Тожик | 3,4 | 2,3 | 2,7 | 2,3 |
| Эдилбой | 3,1 | 1,9 | 2,4 | 1,4 |
| Жайдари | 2,6 | 1,9 | 2,0 | 1,3 |
| Саража | 3,5 | 2,4 | 2,9 | 2,9 |

Дағал ва ярим дағал жунли қўй зотларининг тирик вазнига қўйилган энг кам талаблар, кг

| Қўй зоти | НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Наслли қўчқор | Совлиқлар | Қўчқорчалар | Урғочи қўзилар |
| Хисори | 112 | 74 | 73 | 58 |
| Тожик | 102 | 62 | 66 | 53 |
| Эдилбой | 87 | 62 | 71 | 53 |
| Жайдари | 71 | 46 | 51 | 38 |
| Саража | 70 | 47 | 46 | 38 |

Изоҳ: думбали ярим дағал ва дағал жунли қўй зотларининг қўчқорчалари ва урғочи қўзилари учун тирик вазнига қўйилган энг кам талаб 18 ойлигида белгиланган

Тивит ва жун берадиган эчки зотларини тивит тарамига энг кам талаб, г

| Зотлар | ТАЛАБЛАР | | |
|---|---|---|---|
| | Такалар | Она эчкилар | Ўртача хўжалик бўйича |
| Оренбург | 550 | 330 | 310 |
| Олтой-тоғ | 700 | 500 | 450 |
| Придон | 1000 | 600 | 550 |
| Совет жундор | 3000 | 2000 | 1200 |

Изоҳ: Наслли такаларнинг тирик вазни кўрсаткичлари элита синф талабидан, она эчкиларники эса 1-синфникидан кам бўлмаслиги керак

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

## Қўйчилик хўжалигининг маҳсулдорлик ҳамда хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятидаги сон ва сифат кўрсаткичлари

| КЎРСАТКИЧЛАР | Сўнгги беш йиллик | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 200 | 200 | 200 | 200 | 200 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

Жами қўйлар сони, бош
Ш.Ж. наслли қўчқорлар, бош
Шундан: элита синфли, бош
%
Совлиқ ва 1 ёшдан катта тусоқлар, бош
Шундан: элита синфли
1-синф
Селекцион гуруҳдаги совлиқлар ва тусоқлар, бош

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| % | | | | | |
| Подани тўлдирадиган қўчқорлар, бош | | | | | |
| шу жумладан,элита синфли, бош | | | | | |
| % | | | | | |
| Сотиладиган қўчқорлар,бош | | | | | |
| шундан элита синфли, бош | | | | | |
| % | | | | | |
| Бир бош қўйнинг тирик вазни,кг | | | | | |
| наслли қўчқорларни | | | | | |
| совлиқларни | | | | | |
| тусоқни | | | | | |
| Ш.ж., селекцион гуруҳдаги қўйларни | | | | | |
| совлиқларни | | | | | |
| тусоқларни | | | | | |
| подани тўлдирадиган қўчқорчаларни | | | | | |
| сотиладиган қўчқорчаларни | | | | | |
| онасидан ажратиш пайтидаги: | | | | | |
| қўчқорчаларни | | | | | |
| урғочи қўзиларни | | | | | |
| Жун максулдорлиги: физик вазнда | | | | | |
| бир бош қўйдан жун олиш,кг | | | | | |
| наслли қўчқордан | | | | | |
| совлиқдан | | | | | |
| Ш.ж., селекцияон гурухдаги қўйлардан: | | | | | |
| совлиқдан | | | | | |
| тусоқдан | | | | | |
| подани тўлдирадиган қўчқордан | | | | | |
| сотиладиган қўчқорлардан | | | | | |
| онасидан ажратиш пайтида: | | | | | |
| қўчқорчалардан | | | | | |
| урғочи қўзилардан | | | | | |
| Соф тола ҳисобида бир бош қўйдан | | | | | |
| жун олиш,кг: наслли қўчқордан | | | | | |
| совлиқдан | | | | | |
| Ш.ж., селекцион гуруҳдаги қўйлардан: | | | | | |
| совлиқдан | | | | | |
| тусоқдан | | | | | |
| подани тўлдирадиган қўчқорчалардан | | | | | |
| сотиладиган қўчқорчалардан | | | | | |
| онасидан ажратиш пайтида: | | | | | |
| қўчқорчалардан | | | | | |
| урғочи қўзилардан | | | | | |
| Хўжаликдаги қўйларни маҳсулдорлиги,кг | | | | | |
| бир бош қўйдан қирқилган жун,кг | | | | | |
| физик вазнда | | | | | |
| соф толада | | | | | |
| Йил бошида мавжуд бўлган қўйларни | | | | | |
| ҳар бир бошидан қирқиб олинган жун: | | | | | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| физик вазнда | | | | | |
| соф толада | | | | | |
| соф тола чиқиши,% | | | | | |
| Йил бошида мавжуд бўлган совлиқларни ҳар 100 бошидан қўзи ажратими даврида олинган қўзи, бош | | | | | |
| Авлодининг сифати бўйича текширилган қўчқорлар, бош | | | | | |
| Шундан: яхшиловчилари | | | | | |
| Яхшиловчи қўчқорлар билан қочирилган совлиқлар, бош % | | | | | |
| Гўштга топширилган жами қўйлар,бош | | | | | |
| Ш.ж: катта ёшдагилар | | | | | |
| 1 ёшгача бўлган моллар | | | | | |
| Бир бош қўйни ўртача тирик вазни,кг | | | | | |
| Наслли қўйларни тирик вазни,кг | | | | | |
| Ш.ж., қўчқорлар, % | | | | | |
| урғочи қўзилар, % | | | | | |
| шундан элита синфли | | | | | |
| 1 синф | | | | | |
| Озуқа билан таъминланиши (йил давомида 1 бошга едирилган), центнер озуқа бирлиги | | | | | |
| Маҳсулотларни сотишдан келган фойда ( ), зарар (-), минг сўм | | | | | |
| Ш.ж., наслли ёш мол сотиш бўйича | | | | | |
| Қўйчиликни самарадорлиги,% | | | | | |
